

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАШИМОВА САБОХАТ АБДУЛЛАЕВНА

**ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА РЕДУПЛИКАЦИЯ,
АФФИКСАЦИЯ ВА КОНВЕРСИЯ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 811.581
КБК :81.2 -67(5Кит)
X-79

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc)
on Philological Sciences**

Хашимова Сабохат Абдуллаевна
Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия 3

Хашимова Сабохат Абдуллаевна
Редупликация, аффиксация и конверсия в современном китайском
языке..... 27

Khashimova Sabokhat Abdullayevna
Reduplication, affixation and conversion in moden Chinese Language 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАШИМОВА САБОХАТ АБДУЛЛАЕВНА

**ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА РЕДУПЛИКАЦИЯ,
АФФИКСАЦИЯ ВА КОНВЕРСИЯ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Fi92 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashguv.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Содиков Қосимжон Позилевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Аблат
тарих фанлари доктори

Алимова Холида Зикриллаевна
филология фанлари доктори, доцент

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 14 «август» соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2020 йил «10» август кuni тарқатилди.

(2020 йил «10» август даги 6 рақамли реестр баённомаси).



А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, филол. ф.д.

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг луғавий таркиби ривождаги икки асосий манба – тилнинг ўз ички қонуниятлари, имкониятлари асосида янги сўзлар яшаш ҳамда ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш масалаларини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ҳар иккала ҳолат маълум эҳтиёж, зарурат туфайли амалга ошади ва у мураккаб жараён бўлиб, унда турли лингвистик ва экстралингвистик омиллар амал қилади. Шу сабабли янги сўз ҳосил қилишнинг ҳар бир жабҳаси тил тизимининг мураккаб хусусиятларидан саналади. Бугунги кун дунё тилшунослигида аффиксация, редупликация ва конверсия сўз ясалиш усулларини тадқиқ қилиш, таснифлаш ва тавсифлаш сўз ясалиши соҳасидагина эмас, умуман, тилшуносликда чуқур ўрганилиши лозим бўлган масалалардан бири бўлиб келмоқда. Қолаверса, халқаро майдонда шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёни тиллар лексик фондининг тез суръатда бойишига сабаб бўлмоқда.

Дунё тилшунослигида хитой тили сўз ясалиши соҳасида, одатда, сўз туркумларидаги аффиксал сўз ясалиши масаласи кенг ёритилади. Ўтган йиллар давомида хитой тили ҳар томонлама ривожланди, унинг барча соҳаларида, давр талабига мос равишда, жиддий ўзгаришлар юз берди. Хитой тилининг шаклланиш, ривожланиш ва такомиллашиш йўллари тадқиқ этиш, бу жараёнда амал қиладиган қонуниятлар, сабаб ва имкониятлар, сўз ясалишидаги тамойилларни белгилаш долзарб ҳисобланади. Бу эса бевосита хитой тилининг ўз материаллари асосида махсус тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда ғарб тиллари билан биргаликда шарқ тилларини ўрганишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу, ўз навбатида, сўз ясалиши соҳасидаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада оширади. Хусусан, хитой тилини ўрганиш, мазкур тил бўйича илмий изланиш олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва илмий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги бу тилни янада чуқурроқ ўрганиш заруратини кун тартибига қўйди. Ҳамкорлик муносабатларининг тараққий этишидан ҳар иккала давлат ҳам манфаатдор. Зеро, «Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади»¹. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ тарихий илдизларга эга, бугунги кунда мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланган ўзаро манфаатли ва серкирра ҳамкорликнинг шу йўсинда изчил ривожланиши хитойшунослик соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлган, хитой тилини мукамал эгаллаган мутахассис-кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ортишига сабаб

¹ Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 11 майда ХХРга ўтказилган давлат ташрифи доирасида Хитой Раиси Си Цзинпин билан учрашувда сўзланган нутқ. // Ўзбекистон-Хитой: стратегик шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида: www.uz.uz. 12-05-2017.

бўлмоқда. Бугунга қадар ўзбек хитойшунослигида ҳозирги хитой тили бўйича муайян илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да², айти тил сўз ясашига доир фундаментал тадқиқотларнинг йўқлиги, бу мавзунини монографик планда ўрганиш, хитой тили сўз ясаши тизимидаги айнан шу тилга хос бўлган жиҳатларни тадқиқ қилиш зарурати тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»³ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасидаги илмий изланишларни ҳам янги босқичга олиб чиқди. Бу борада ҳозирги хитой тили лексикасининг ривожланиш тамойилларини аниқлаш муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш ва илмий технологияларни татбиқ этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

² Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил. – Т.: ТошДШИ, 2003. – 119 б.; Носирова С. Хитой тилининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 150 б.; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация: Филол.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2009. – 154 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тили тилшунослик терминлари тизимининг шаклланиши ва таракқиёти. – Тошкент: ТошДШИ, 2016. – 196 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. – № 28 (6722).

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Хитой тилида сўз ясалиши тадқиқига оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Minzu University of China 中央民族大学, Пекин Ренмин университети 人民大学 (Хитой Халқ Республикаси), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институти, РАН Шарқшунослик институти, Санкт-Петербург давлат университети, Казань Федерал университети, Россия Федерацияси Қўмондонлик вазирлиги (Россия Федерацияси), Georgetown University (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Dehli University (Ҳиндистон), Беларусь давлат университети (Беларусь Республикаси), Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Хитой тилида сўз ясалишига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: хитой тили сўз туркумларида сўз ясовчиларнинг категориал маъноси очиб берилган (Minzu University of China 中央民族大学, Пекин Ренмин университети 人民大学, ҳозирги хитой тилида сўз ясовчи аффиксларнинг маҳсулли / маҳсулсизлиги асосланган (Пекин Ренмин университети 人民大学, ҳозирги хитой тилидаги айрим сўз ясовчиларнинг қадимги хитой тилидан фарқи асосланган (РАН Шарқшунослик институти), хитой тили термин ясалишида сўз ўзлаштириш манбалари исботланган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институти), хитой тили луғат таркибидаги ўзлашмалар ва адаптация масалалари илмий-техник, ҳарбий ва ҳарбий-техник терминлар мисолида далилланган (Россия Федерацияси Қўмондонлик вазирлиги), хитой тили от сўз туркумига оид сўзларнинг ясалишида аффиксация, сифат сўз туркумига оид сўзларнинг ясалишида эса редупликация усулининг сермаҳсуллиги ва ясалма бирликлардаги семантик силжиши исботланган (Тошкент давлат шарқшунослик университети).

Бугунга келиб жаҳон тилшунослигида сўз ясалиши бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: қадимги ва ҳозирги хитой тили сўз ясалиши тизимидаги умумийлик ва фарқларни аниқлаш; ҳозирги хитой тилидаги сиёсий, иқтисодий, техник, тиббиёт ва бошқа соҳа терминларининг шаклланиши ва ясалишини ўрганиш; ҳозирги хитой тили сўз ясалишида ўзлашмаларнинг ўрнини илмий далиллаш; хитой тили изоҳли луғатларини тузиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотда машҳур тилшунослар С.Е. Яхонтов, Динг Шеншу, А. Ҳожиев, Н.Н. Коротков, Ю.В. Рождественский, Ш. Шоабдурахмонов, В.И. Горелов, Г.А. Зограф,

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.muc.edu.cn>, <https://www.ruc.edu.cn>, <http://www.iaas.msu.ru/index.php/ru/>, <https://www.ivran.ru>, <https://spbu.ru>, <https://kpfu.ru>, <http://vumo.mil.ru>, <https://www.georgetown.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <http://www.du.ac.in>, <https://bsu.by>, <http://www.uzswlu.uz/>, www.tashguv.uz, <http://www.dissercat.com>, <http://www.cyberlininka.com>, <http://www.bku.edu.cn>, <http://www.pku.edu.cn>, <http://scopus.com>, <http://www.sciencedirect.com>>pii>pdf, <http://www.cninaview.org>, <http://www.ncac.gov.cn>, <http://www.linguistics-journal.com>>a-c, <http://searchworks.stanford.edu>>view, <http://diss.rsl.ru> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

Н.Ф. Алиева, И.М. Кобозева, А.А. Хаматова, Ху Болиё, Ли Гао⁵, шунигдек, шарқшунослардан Шен Сяолонг, Ли Дзинси, Чэн Гуанлей, О.Н. Шоматов, А.А. Каримов, С.А.Носирова⁶ ва бошқаларнинг асарларига таяндик.

Тадқиқотга манба сифатида хитойлик тилшунос олимлар Чай Шилиннинг «试论汉语双音动词重叠形式的问题» («Хитой тилида икки бўғинли феъллар редупликацияси масаласи») (Хэбэй, 1990) асари, Чэн Чиенруаннинг «动词重叠的情况特征及气体的地位» («Феъллар редупликацияси ва уларнинг синтактик хусусиятлари») (Пекин, 2001) илмий асари, Ху Болиёнинг «现代汉语动词与形容词特点» («Ҳозирги хитой тилида феъл ва сифатларнинг хусусиятлари») (Пекин, 2003) асари, Ли Гаонинг «现代汉语动词研究» («Хитой тилида феъллар таҳлили») (Пекин, 2004) илмий асари, Гао Венда ва Ван Лижиннинг («Хитой тили лексикологияси») (Дзинан, 2006) илмий асари, Ху Болиёнинг «现代汉语语法» («Ҳозирги хитой тили грамматикаси») (Пекин, 2012) илмий иши ҳамда «现代汉语词典» («Ҳозирги хитой тили луғати») (Пекин, 2002), «成语词典» (Фразеологик луғат) (Шанхай, 1992) ва б. китоблари олинган. Асарларда ҳозирги хитой тилининг адабий ёзма ва оғзаки шакли танланиб, мисоллар хитой тилидаги замонавий наср, хитой матбуоти ва радио материалларидан олинган.

Ҳозирги хитой тилида аффиксация, редупликация ва конверсия ходисаси сўз ясалишининг кенг тарқалган усулларида бири бўлишига қарамадан, мазкур масала ҳозирги кунга қадар алоҳида ўрганилмаган. Лекин хитой тили грамматикасига оид манбаларда сўз ясалишининг мазкур усуллари ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтилган. Хусусан, Н.Н. Коротков, Ю.В. Рождественский, Г.П. Сердючко, В.М. Солнцев ҳаммуаллифлигидаги «Китайский язык»⁷ илмий асарида редупликация ва аффиксация ходисасига оид умумий маълумотлар ўрин олган. Муаллифлар

⁵Яхонтов С. Категория глагола в китайском языке. – Л., 1957. – 181 с.; 丁声树. 现代汉语语法讲话. – 商务印书馆, 1961年. – 244页; Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт, редупликатив сўзлар. – Ўзфанакадншр. – Т.: 1963. – 146 б.; Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., 1968. – 400 с.; Рождественский Ю.В. Типология слова. – М.: Высшая Школа, 1969. – 286 с.; Шоабдурахмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 114 б.; Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – 321 с.; Зограф Г. А. Языки Южной Азии. – М.: Наука, 1990. – 212 с.; Алиева Н.Ф. Reduplication in Southeast Asian languages: Differences in wordstructures. – Productivity and Creativity. – New York: Mouton De Gruyter, 1998. – P. 413-429; Кобозева И.М. О двух типах вводных конструкций с парентетическим глаголом. // Е. В. Рахилина, Я. Г. Тестелец (ред.). Типология и теория языка: От описания к объяснению. К 60-летию А. Е. Кибрика. – М., 1999. – С.539-543.; А.А. Хаматова. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – 223 с.; 故播刘. 现代汉语动词与形容词特点. – 北京, 2003年. – 250页.; 李稿. 现代汉语动词研究. – 北京, 2004年. – 187页.; Ҳожиёв. А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т., 2007. – 117 б.

⁶甲小龙. 汉语语法学. – 北京, 2001. – 320页; 李金斯. 汉语词汇研究. – 北京, 2001. – 71页; 陈光磊. 汉语词法论. – 北京, 2001. – 220页; Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003. – 156 б.; Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил. – Т.: ТошДШИ, 2003. – 119 б.; Носирова С. Хитой тилининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминологияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 150 б.

⁷Китайский язык / Коротков Н.Н., Рождественский Ю.В., Сердючко Г.П., Солнцев В.М. – М.: Наука, 1961. – 180 с.

от туркумига оид сўзлар такрори ҳақида фикр юритиб, мисол сифатида 哥哥 «ака», 姐姐 «опа» сўзларини келтирадilar. Бундан ташқари, феъллардаги редупликациянинг фақат икки тури, сифатлардаги редупликациянинг эса бир тури кўрсатилган. Ваҳоланки, редупликация хитой тилининг турли сўз туркумларида мавжуд ва хилма-хил кўринишларга эга. Аффиксацияга оид маълумот феъл ва от сўз туркумига оид сўзларнинг ясалиши доирасида қисман кўриб чиқилган. Конверсияга оид маълумот берилмаган.

Вэн Юэннинг 实用现代汉语语法 («Ҳозирги хитой тили грамматикаси») ⁸ илмий тадқиқот ишида сифат туркумига оид редупликатив сўзларнинг ‘АА’, ‘АА 儿’, ‘ААВВ’, ‘АВАВ’, ‘А 里 АВ’; феъл туркумига оид редупликатив сўзларнинг ‘АА’, ‘А-А’, ‘А 来 А 去’ ҳамда тақлидий сўзларнинг ‘АА’ каби редупликатив моделлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, редупликатив сўзларнинг гапдаги вазифалари, хусусиятлари ҳақида маълумот бор. Аффиксацияга оид маълумот чекланган бўлиб, фақат от, олмош, феъл ва сифат сўз туркумига оид бўлган сўзларнинг айрим аффикслари тўғрисида фикр юритилади.

В.И. Гореловнинг «Лексикология китайского языка» ⁹ илмий асарида аффиксация, редупликация ва унинг турлари, конверсия ҳақида изоҳ берилган. Бироқ уларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва маънолари кўриб чиқилмаган.

Т.П. Задоевко, Хуан Шуиннинг «Основы китайского языка» ¹⁰ китобида феъл такрори ҳақида сўз юритилиб, феълнинг икки хил редупликатив модели (‘АА’ ва ‘А-А’) мисол тариқасида келтирилган. Лекин бу моделлар асосидаги редупликатив сўзларнинг хусусиятлари таҳлил қилинмаган. Аффиксацияга оид маълумот феъл, сифат ва от сўз туркумига оид сўзларнинг ясалиши доирасида қисман кўриб чиқилган. Конверсияга оид маълумот берилмаган.

Чэн Чиэнруаннинг 基础汉语课本 («Хитой тили асослари») ¹¹ илмий асарида феъл, сифат туркумига оид сўзларнинг такрорланиб келиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилган. Феълларнинг ‘АА’, ‘АВАВ’, сифатларнинг ‘АА’ ҳамда ‘ААВВ’ редупликатив моделлари ва улар асосида ҳосил бўлган редупликатив сўзларнинг хусусиятлари, грамматик функциялари қайд этилган. Бундан ташқари, феъл, сифат, от сўз туркумига оид сўзларнинг ясалишида иштирок этадиган бир нечта аффикслар ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, ҳозирги хитой тилига оид бўлган Тань Аошуаннинг «Учебник современного китайского разговорного языка» ¹² ва Лиё Юэннинг 现代汉语词典 («Ҳозирги хитой тили луғати») ¹³ асарларида аффиксация, редупликация ва конверсия натижасида ҳосил бўлган сўзлар,

⁸ 文月. 实用现代汉语语法。—北京: 商务印书馆, 1983年.

⁹ Горелов В.И. Лексикология китайского языка. — М.: Просвещение, 1984. — 321 с.

¹⁰ Задоевко Т.К., Хуан Шуин. Основы китайского языка (Основной курс), том II. — М.: Наука, 1986. — 245 с.

¹¹ 陈前软. 基础汉语课本。—北京: 商务印书馆, 1991年.

¹² Тань Аошуан. Учебник современного китайского разговорного языка. — М.: Наука, 1988. — С. 340.

¹³ 刘粤. 现代汉语词典。—北京: 商务印书馆, 2015年。—1868页。

уларнинг маънолари изоҳлаб берилган. Лекин бу сўзларнинг ҳосил бўлиш йўллари, гапдаги вазифалари, ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилмаган.

Ху Болиёнинг 现代汉语动词与形容词特点 («Ҳозирги хитой тилида феъл ва сифатларнинг хусусиятлари») ¹⁴ илмий тадқиқот ишида редупликацияга ва аффиксацияга доир маълумот бошқа манбаларга қараганда кенг берилган, яъни бунда редупликациянинг турли сўз туркумларида ҳосил бўлиш моделлари, редупликатив сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари, гапдаги вазифалари баён қилинади. Шунингдек, феъл ва сифат сўз туркумига оид сўзларнинг аффиксация ёрдамида ҳосил бўлишининг айрим хусусиятлари ҳақида баён этилади. Бироқ бу лексик birlikларнинг конверсия ёрдамида ҳосил бўлиши ҳақида маълумот берилмаган.

О.М. Готлибнинг «Грамматика современного китайского языка» ¹⁵ китобида фақат сифат туркумига оид сўзларнинг редупликацияси ўрганилган. Сифатларнинг ‘АА’, ‘ААВВ’, ‘АВАВ’ ҳамда ‘А 里 АВ’ редупликатив моделлари асосида такрорланиши ва редупликатив сўзларнинг маънолари ёритилган. Аффиксацияга оид маълумот феъл сўз туркумига оид сўзларнинг ясалиши доирасида қисман (натижали аффикслар қатори) кўриб чиқилган. Конверсияга оид маълумот эса берилмаган.

Р.Н.Аслитдинова ¹⁶, С.А.Носирова ¹⁷, шунингдек, кейинги йилларда С.Т.Мустафаева ¹⁸ томонидан ҳозирги хитой тили луғат таркибидаги ўзлашмалар илмий-биологик, дипломатик, тилшунослик терминлар мисолида ўрганилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда хитой тили сўз ясалиши монографик планда таҳлил қилинмаган. Хитой адабий тили лексикасининг тараққиёти, ундаги қонуниятлар, содир бўлган лингвистик ва экстралингвистик омиллар каби масалалар монографик тадқиқотнинг объекти бўлмаган. Бу муаммоларни тизимли ўрганиш, мавжуд бўшлиқни муайян даражада бартараф этиш биз танлаган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» ҳамда «Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон» мавзуидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги хитой тили сўз туркумларида аффиксация, редупликация ва конверсия ҳодисаси, уларнинг ясалиш

¹⁴ 故播刘。现代汉语动词与形容词特点。—北京，2003年。

¹⁵ Готлиб О.М. Грамматика современного китайского языка. — М.: Муравей, 2003. — 180 с.

¹⁶ Аслитдинова Р.Н. Словообразование терминов (биологических) в разносистемных языках: на материале современных китайского и таджикского языков: Дис. ... канд.филол.наук. — Душанбе, 2007. — 146 с.

¹⁷ Носирова С. Хитой тилининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминологияси. — Т.: Янги аср авлоди, 2011. — 150 б.

¹⁸ Мустафаева С.Т. Хитой тили тилшунослик терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти. — Т.: ТошДШИ, 2016. — 196 б.

моделлари, мазкур сўз ясалиши воситасида ҳосил бўлган сўзларнинг морфологик, функционал-стилистик хусусиятларини таҳлил қилиш ва ўрганиш, сўз ясалишидаги имкониятлар, имкониятдаги чекланишларни аниқ белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Илмий ишда қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

хитой тили лексикасининг бойишида ички манбалар асосида сўз ясалиши (хусусан, редупликация, аффиксация, конверсия воситасида) сабабини асослаш;

хитой тили аффиксал ва яримаффиксал сўз ясалишида маҳсулли* сўз ясовчиларни аниқлаш, аффиксларнинг синонимик қаторларини белгилаш;

хитой тили редупликация сўз ясалишида маҳсулли моделларини аниқлаш;

хитой тили сўз ясалиши системасида семантик конверсия ҳодисасининг ўрнини кўрсатиш;

маҳсулли сўз ясалиш типлари асосида хитой тили сўз ясалиши системасидаги ўзгариш ва тараққиётни очиқ бериш;

ҳозирги хитой тилидаги аффиксация, редупликация ва конверсиянинг турли сўз туркумлари доирасидаги ўзига хос ясалиш моделларини белгилаш;

ҳозирги хитой тилидаги аффиксация, редупликация ва конверсия усуллар воситасида ҳосил бўлган сўзларнинг морфологик ва синтактик хусусиятларини белгилаш;

аффиксация, редупликация ва конверсия кенг фойдаланиш доирасига эга эканлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти ҳозирги хитой адабий тили сўз ясалиши ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги хитой адабий тили лексикаси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тўпланган материалларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, систем-структур, компонент таҳлил ва квантитатив методлари асосида ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хитой тили лексикасининг ички имкониятлар асосидаги ривожда аффиксал ва яримаффиксал сўз ясалиши, редупликация ҳамда конверсиянинг ўрни асосланган;

редупликация, аффиксация ва конверсия доирасида турли сўз туркумига оид сўзларнинг ясалишидаги маҳсулли / маҳсулсизлик, сермаҳсул / каммаҳсулликнинг сабаб ва қонуниятлари сўз ясалиши имконияти билан боғлиқлиги исботланган;

* Сўз ясалишига оид асосий тушунчалар, уларни билдирувчи терминлар А. Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» (Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002), «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» (Тошкент: «O'qituvchi»NMIU, 2007) қўлланмаси ва «Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари» (Тошкент: Фан, 2010) монографиясидаги назарий қарашлар асосида шакллантирилган.

ҳозирги хитой тилида суффиксларнинг 17 синонимик қатори, префиксларнинг эса 9 синонимик қатори аниқланган ҳамда суффиксациянинг маҳсулдор, префиксациянинг эса каммаҳсуллиги далилланган;

хитой тилидаги маҳсулдор ясовчи воситалар орасида от, феъл, сифат ясовчи яримаффиксларнинг фаоллашуви тилда аниқликка интилиш ва тил воситаларини иқтисод қилиш талаби билан юзага келгани исботланган бўлиб, бунда 里, 一, 儿 яримаффикслар редупликация ва конверсия воситасида ҳосил бўлган сўзлар таркибида ҳам мавжудлиги далилланган;

ҳозирги хитой тилида 不 ва 所 морфемалари аффикслар қаторига оидлиги аниқланиб, от туркумига оид сўзларнинг ясалишида 不 ҳам префикс, ҳам инфикс, 所 фақат префикс сифатида қўлланиши далилланган;

ҳозирги хитой тилида постфикс, интерфикс, трансфикс ва амбификс йўқлиги, конфикс ва циркумфиксларнинг мавжудлиги аниқланган ҳамда турли хил сўз туркумларига оид бўлган аффиксация (135та), редупликация (15та) ва конверсиянинг (15та) янги моделлари аниқланган;

ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия бошқа сўз ясалиш усулларига қараганда сўз кўшиш усулидан кейин маҳсулдорлиги аниқланган, шунингдек, маълум сўзларнинг ясалиши айнан шу учта сўз ясалиш усули воситасида амалга ошириши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳозирги хитой тилида сўз ясалишидаги тамойиллар ёритилган;

ҳозирги хитой тилида тегишли сўз туркумига оид бўлган синоним сўзлар қаторини ҳосил қилувчи аффикслар аниқланган;

конверсияга хос парадигмалар аниқланган;

аффиксация, редупликация ва конверсиянинг синонимия, антонимия кабилар билан муносабати ёритилган;

илмий муомалага тўлиқ модель, тўлиқсиз модель, диввергент модель терминларини илмий муомалага киритилди ва асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган таянч тушунчалар асосида фундаментал илмий ва методологик, махсус адабиётларга таянилгани, ашёвий тил материали, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот усуллари, илмий тадқиқот натижаларининг диссертация назарий концепциясига мос келиши, хулоса, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хитой тили лексикологияси, грамматикаси бўйича назарий манба яратишда, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, махсус курслар учун қўшимча материаллар беришда фойдаланиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари ҳамда илмий хулосаларидан тилшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, ундан «Хитой тили лексикологияси», «Хитой тилида сўз ясалиши», «Ҳозирги хитой тили назарий грамматикаси», «Мутахассисликнинг назарий масалалари», «Хитой ва ўзбек (рус) тили қиёсий грамматикаси» каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда шарқшунос филологлар учун махсус курслар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тадқиқот материалларидан таржима жараёнида фикрни тўғри, таъсирчан қилиб етказиш, нутқ равллиги, аниқлиги ва ранг-баранглигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия тадқиқоти юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

тадқиқотда кўрсатилган ҳозирги хитой тилида диахрон сўз ясалиши тадқиқига оид илмий-назарий натижалардан ОТ-А1-018 «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 89-03-2058-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материал луғатни бойитишда, терминлар ясалишини ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқишга хизмат қилган;

ҳозирги хитой тилида кўшма сўзлар ва уларнинг таснифи билан боғлиқ таҳлил натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест марказида «Чет тилини билиш бўйича давлат сертификати» тақдим этилиши кўзланилган «Хитой тили даражасини билишга оид бўлган тестлар» тузишда, шунингдек, хитой тилида компетентлик даражасини билишга қаратилган оғзаки ва ёзма вазифаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест марказининг 2020 йил 20 мартдаги 03-03/15-сон маълумотномаси). Натижада, ҳозирги хитой тили сўз ясалишида диахрон сўз яшанинг синтактик, морфологик, фонетик, стилистик ва синтетик усуллари ёрдамида сўзларнинг ясалиш моделлари тестларда кенг фойдаланилган;

тадқиқотда кўрсатилган редупликация, аффиксация ва конверсия воситасида сўзларни ясалиш хусусиятлари, таржима қилишга оид фикр ва хулосалардан ПЗ-201709134-сонли «Филология йўналиши бўйича инглиз тилини ўрганиш баҳолаш сифатининг шакл ва тамойилларига янгича ёндашув» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 89-03-2058-сон маълумотномаси). Олинган натижалар чет тилини ўрганишда интралингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида ҳосил бўлиш усуллариининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишга хизмат қилган;

ҳозирги хитой тилида аффиксал сўз ясалишига доир илмий-назарий натижалардан Хитой Халқ Республикасининг Олий ва ўрта таълим вазирлиги Minzu University of China 中央民族大学 олийгоҳида «Тилшунослик», «Чет тилида сўз ясалиши», «Линвокультурология» фани бўйича тестлар тузишда, шунингдек, чет тилида компетентлик даражасини билишга қаратилган оғзаки

ва ёзма вазифаларда фойдаланилган (Хитой Халқ Республикасининг Олий ва ўрта таълим вазирлиги Minzu University of China 中央民族大学 олийгоҳининг 2020 йилнинг 15 мартдаги 03-15-сон маълумотномаси). Натижада, ҳозирги хитой тилида турли сўз туркумларига оид сўзларнинг аффиксацияга оид бўлган моделларидан тестларда фойдаланилган;

ҳозирги хитой тилида редупликация тадқиқига доир илмий-назарий натижалардан Ўзбек-Хитой Конфуций институтининг хитой тили дарслари жараёнларида кенг фойдаланилган (Ўзбек-Хитой Конфуций институтининг 2020 йил 25 январдаги 1-сон маълумотномаси). Олинган натижалар сўзлар таржимасидаги чалкашликларни ечиш, ўзбек тилига мос бўлмаган хитойча терминларни таржима қилиш орқали ўқувчиларга осон етказиш, қолаверса, хитой тили лексиканинг ясаиш йўллари тушунтиришда хизмат қилган;

ҳозирги хитой тилида конверсия ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан Россия Федерациясининг Казан (Приволжский) Федерал университетиде «Чет тилини билиш бўйича давлат сертификати» тақдим этилиши кўзланилган «Хитой тили даражасини билишга оид бўлган тестлар» тузишда, шунингдек, хитой тилида компетентлик даражасини билишда фойдаланилган (Россия Федерациясининг Казан (Приволжский) Федерал университетининг 2020 йилнинг 22 январдаги 04-09/99-сон маълумотномаси). Натижада, ҳозирги хитой тилида конверсия оид бўлган моделлари, вужудга келган сўз шакллари таржима хусусиятлари тестларда фойдаланилган;

тадқиқотда кўрсатилган ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия ёрдамида сўзларни ва сўз бирликларни таржима қилишга оид фикр ва хулосалардан Хитой Халқ Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги Шимолий-Ғарбий Миллатлар университетининг «乌兹别克民族来源历史» «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» мавзудидаги халқаро илмий фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги Шимолий-Ғарбий Миллатлар университетининг 2019 йил 4 декабрдаги 01-01-сон маълумотномаси). Натижада, тақдим этилган материал китоб мазмунини бойитишда, лексикани таржима қилишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий ҳажми 250 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Ҳозирги хитой тилида сўз ясалиши»га бағишланган **биринчи боб**да хитой тилида сўз ясалиши масаласи ҳақида сўз боради. Лексик материаллар, шунингдек хитойлик ва юртимиз тилшуносларининг турли нуқтаи назари хитой тилида диахрон сўз яшашнинг қуйидаги усуллари мавжуд эканлигини кўрсатади: синтактик, морфологик, фонетик, стилистик ва синтетик ёки комплекс. Сўз қўшишда асосий сўз ясовчи восита бўлиб сўзлар ёки асосларни қўшиш ҳисобланади. Бу усул ҳозирги хитой тилининг янги лексикасини яратишнинг асосий самарали усули бўлиб ҳисобланади. У 5 асосий ва бешта қўшимча моделга бўлинади. Асосий моделларга қуйидагилар киради: 1) субъект-предикатив 主谓式, 2) предикатив-объектлив 谓宾式, 3) қўшимча 补充式, 4) боғланган 并列式, 5) тобеъли 主从式. Қўшимча моделларга қуйидагилар киради: 1) 承接式 – «қабул қилувчи» («давом этирувчи»), 2) 兼语式 – «қўшиб бажариш», 3) 代替式 – «ўрнини босиш», 4) 以...为 – «кимнидир кимнингдир сифатида қараш», «...бўлиб ҳисобланмоқ», 5) 变序式 – компонентларнинг келиш тартибини ўзгартириш. Морфологик усулга эса аффиксация, редупликация ва конверсия киритилади. Ҳозирги хитой тилида фонетик ўзгаришлар ёрдамида сўз яшаш икки турга бўлинади, булар: 1) Оҳанг ўзгариши (改变声调). 2) Бўгин структурасининг ўзгариши (改变音节结构).

Стилистик сўз ясалишининг 8 усули мавжуд, булар: 1) 比喻 – солиштириш, метафора, 2) 借代 – «ўзлаштирмоқ» (метаномия), 3) 夸张 – «гипербола», «бўрттириш», 4) 敬称 – «эҳтиромли мурожаат», 5) 谦称 – «камситувчи ном», «мурожаат», шу билан бирга камтарлик нуқтаи назардан ёндашувни билдиради, 6) 婉言 – «андиша билан мурожаат қилиш», 7) 对比 – «солиштириш», «параллелизм», 8) 仿词 – «таклид қилиш», «имитация».

Синтетик ёки комплекс сўз яшаш деганда, сўзларнинг икки ёки ундан ортиқ сўз ясовчи усуллар билан ясалишини тушунади. Синтетик сўз яшаш муаллиф томонидан бир неча турга бўлинади:

1. 词法内部综合式 – «морфологик сўз яшашнинг турли усулларининг бирлашиши»: а) префиксли-суффиксли усул, б) суффиксли-редупликатив усул;

2. 句法内部综合式 – «синтактик сўз яшашнинг бир неча усулларининг бирлашиши», булар: а) субъект-предикативли – эргаштирувчи, б) феъл-

объектли – эргаштирувчи, в) боғланган-эргаштирувчи, г) эргаштирувчи-эргаштирувчи, д) эргаштирувчи-боғловчи, е) тўлдирувчи-боғловчи, ж) феъл-объектли, боғланган-эргаштирувчи, з) феъл-объектли, эргаштирувчи-эргаштирувчи: и) эргаштирувчи, боғловчи-эргаштирувчи, к) боғловчи, боғловчи-эргаштирувчи;

3. 词法-句法综合式 – «морфологик-синтаксик усул» – «бир вақтда морфологик ва синтаксик усуллар ёрдамида янги сўзларни яшаш» демакдир. Ушбу усулнинг тўртта тури мавжуд, булар: а) эргаштириш-суффиксация, б) редупликация-эргаштириш, в) редупликация-феъл-объектли, г) феъл-объектли, редупликация-эргаштирувчи;

4. 语音-句法综合式 – «фонетик-синтактик усул» – «сўзларни бир вақтда фонетик ва синтаксик усуллар ёрдамида ясалиши» тушунилади. Фонетик-синтактик сўз яшаш янги сўзнинг ҳосил бўлишига айнан қайси фонетик жараёнлар олиб келганлиги ва сўз қисмлари орасида қандай муносабатлар мавжудлигига қараб, бир неча турга ажратилади. Булар: а) товушга тақлид қилиш – эргаштириш, б) феъл-объектли – товушга тақлид қилиш, в) эргаштириш – бўғинни қофиялаш (финалларни икки марта такрорлаш), г) транслитерация (транскрипция)- эргаштириш;

5. 修辞-句法综合式 – «стилистик-синтаксик усул» – бир вақтда стилистик ва синтетик усуллар ёрдамида сўзлар яшаш демакдир. Бу усул уч турга эга, булар: а) метафора – эргаштириш, б) гипербола – эргаштириш: в) ўзлаштириш-эргаштириш. Хитой тилида морфема учта асосий белгига эга: 1) товушли шаклланганлик; 2) маънога эга бўлиш; 3) бундан майда маъноли қисмларга бўлина олмаслик; 4) хитой тилининг морфемаси бошқа тиллар морфемаларидан фарқ қилувчи яна айрим хусусиятларга эга. Хусусан, хитой тилининг битта бирлиги бир ҳолда сўз бўлиши, бошқасида эса фақат морфема сифатида қўлланиши мумкин. Иероглиф тушунчаси морфема билан чамбарчас боғлиқ. Барча морфемалар мустақил маъноли, ярим хизматчи ва хизматчи морфемаларга ажратилади. Сўз ясалишидаги аҳамияти ва роли бўйича туб ва хизматчи морфемалар ажратилади. Бажараётган функциясига қараб хизматчи морфемалар сўз ясовчи ва грамматик морфемаларга бўлинади. Хитой тилининг бир бўғинли морфемалари ўзаро бирикиш даражасига қараб эркин, ярим эркин ва эркин бўлмаганларга ажратилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги хитой тилида сўз ясалишига турли усуллар хос бўлиб, булар синтактик, морфологик, фонетик, стилистик ва синтетик (комплекс)га бўлинади ва ҳар бири, ўз навбатида, янги лексикани ҳосил бўлишида иштирок этади.

Иккинчи бобда «Ҳозирги хитой тилида аффиксация» ўрганилган. Аффиксация сўз ясалиши усулининг бири сифатида янги лексик бирликларни ҳосил қилишда турли хил структур-семантик характерга эга бўлган ҳосилаларни вужудга келтиради. Хитой тилидаги аффикслар, худди бошқа тиллардагидек, мустақил маъноли сўзларнинг маъно йўқотиши натижасида сўз ясовчи воситаларга айланиши оқибатида пайдо бўлган.

Маълумки, мустақил маъноли сўз аффикс бўлгандан олдин аста-секин ўз асл маъносини йўқотади. Аффикс мавхум грамматик маънога эга бўлиб, предмет-лексик маънодан маҳрум. Аффикслар функционал классификациясига кўра сўз ясовчи ва шакл ясовчиларга бўлинади. Аффиксларни шакл ясовчи ва сўз ясовчи гуруҳларга ажратишилиши комплекс функционал-семантик, структур ва дистрибутив критерияларга таянади.

Ҳозирги хитой тилида сўзларнинг аффиксал сўз ясалиши маҳсулдорлиги жиҳатидан сўз қўшиш усулидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги хитой тилида сўз ҳосил қилувчи аффиксларнинг аксарияти илдиз морфемаларидан ҳосил бўлган. Шу билан бирга кўплаб морфемалар ҳам борки, улар ханузгача илдиз морфемасидан соф аффиксал морфемага айланмаган. Бундай морфемалар аффикс ва сўз яшаш илдиз морфемаси орасидаги ўринни эгаллайди ва яримаффикс деб номланади. Ҳозирги хитой тилида аффиксация префикс, суффикс, инфикс, конфикс ва циркумфикслардан ташкил топади. Булар воситасида сўзлар ўзига хос моделлар асосида ясалади ва айнан уларга хос классификацияларга бўлинади. Бунда аффиксациянинг суффиксация усули маҳсулдор, префиксация усули кам маҳсул ҳисобланади. Аффиксациянинг постфикс, интерфикс, трансфикс, амбификс элементлари ҳозирги хитой тилида мавжуд эмас.

Хитой тилида аффикслар асос сўзларнинг сўз яшашнинг формантларига, «қурувчи элементларига» айланиши натижасида вужудга келган. Маълум бир сўз аффиксга айланишидан олдин ўзининг туб маъносини йўқотади. Аффикс абстракт-грамматик маънога эга бўлади ва ўзининг туб маъносидан аста-секинлик билан холи бўлади. Изланишлар натижасида шу аён бўлдики, изолятив турдаги тилда ҳам агглютинация мавжуд бўлади. Агглютинациянинг ривожланиши изоляция доирасида рўй беради.

Хитой тилида от сўз туркумига оид сўзларнинг префиксация ёрдамида ясалиши бўйича: хитой тилида префикслар ёрдамида ташкил топган сўзлар сўз ясалиш усулининг копулятив ва феъл-объектли модели асосида ҳосил бўлади; хитой тилида жами 43 префикс мавжуд бўлиб, булардан 38 таси исмий морфема, 5таси феълий морфемадан ташкил топган; мазкур изланишлар натижасида хитой тилида кенг қўлланилиш доирасига эга бўлган префиксларни тегишли моделлари тақдим қилинган:

а) таркибида исмий префикс мавжуд бўлган модел олтига, булар: [分 + А (от) = от], [阿 префикси + А (от) = от], [半 + А (от) = от], [单 + А (от) = от], [初 префикси + А (от) = от], [巴 префикси + А (от) = от];

б) таркибида сифат префикси мавжуд бўлган модел ўнга, булар: [老 + А (от) = от], [老 + А (сифат) = от], [老 + А (сон) = от], [老 + А (равиш) = от], [小 префикси + А (от) = от], [微 + А (от) = от], [多 + А (от) = от], [泛 + А (от) = от], [丕 + А (от) = от], [反 + А (от) = от], [非 + А (от) = от];

в) таркибида феъл префикси мавжуд бўлган модел иккита, булар: [无 + А (от) = от], [超 + А (от) = от]; г) таркибида ҳисоб сўз префикси мавжуд

бўлган модел учта, булар: 1) [本 + A (от) = от], [次 + A (от) = от], [副 + A (от) = от],

д) таркибида равиш префикси мавжуд бўлган модел бешта, булар: [所 + A (от) = от], 2) [所 + A (феъл) = от], [非 + A (от) = от], [不 + A (от) = от], [伪 + A (от) = от].

Олиб борилган таҳлиллар асосида хитой тилида илк бора 不 ва 所 морфемаси орқали ҳам от ясала олиши исботланди. 不 префикси орқали фақат феъл-объектли модель асосида ҳосил бўлган от сўз туркумига оид сўзлар ясала олади.

Ҳозирги хитой тилида 子 ва 儿 маҳсулдор ва кенг қўлланилувчи суффикслар ҳисоблананади. 子 суффикси ёрдамида ҳам икки бўғинли, ҳам уч бўғинли сўзлар ясалади; 儿 суффикси ёрдамида эса икки, уч ва тўрт бўғинли сўзлар ясалади; 子/儿 суффикси орқали феъл, сифат, санок туркумига оид сўзлардан от туркумига оид сўзлар ясалади; тадқиқот давомида ҳозирги хитой тилида 子 суффикси иштирок этган 4 модель мавжудлиги аниқланди, булар: 1) [A (от) + 子 = от], 2) [A (сифат) + 子 = от], 2) [A (феъл) + 子 = от], 4) [A (санок сўз) + 子 = от]; 儿 суффикси иштирок этган 5 модель мавжуд, булар: 1) [A (от) + 儿 = от], 2) [A (сифат) + 儿 = от], 3) [A (феъл) + 儿 = от], 4) [A (санок сўз) + 儿 = от], 5) [A (рақам) + 儿 = от]; баъзи от туркумига оид сўзлар 子 ёки 儿 суффикси билан бирга қўлланилса сўзнинг бошланғич маъносининг ўзгаришига олиб келади; 子 ва 儿 суффикси ёрдамида ясалган сўзлар турли семантик категорияларга тегишли бўлади; 子 ва 儿 суффикслари ўз функцияларига кўра ўхшаш, аммо 儿 баъзи мисолларда эркалатувчи тусга эга бўлса, 子 – камситувчи, менсимайдиган тусга эга; 儿 кичик ҳажмдаги объектни ифодаласа; 子 суффикси ва 子 морфемаси ўртасида ҳам морфологик, ҳам фонетик фарқ мавжуд. Ўзак морфема учинчи оҳангда талаффуз этилади, суффиксал морфема эса редукцияга учрайди ва натижада енгил оҳанга ўқилади; 子 суффикси ҳам, 儿 суффикси ҳам янги сўз ҳосил қилиш ва сўз шаклини ўзгартириш хусусиятига эга.

Хитой тилида 头 (аффиксал морфема) суффикси турли семантик қаторларга тегишли отларни ясайди. Мазкур аффиксал морфеманинг этимологик корреляти замонавий хитой тилида бир бўғинли сўз мақомига эга бўлган мустақил морфема 头 ҳисобланади. Ушбу суффикс ёрдамида ясалган сўзларнинг миқдори 子 ва 儿 суффикслари ёрдамида ясалган сўзлар миқдоридан анча кам; 头 суффикси ёрдамида хитой тилида конкрет маънони ифодаловчи ёки мавҳум маънога эга бўлган сўзлар ясалади; 头 суффикси орқали ясалган барча сўзлар таркибида мазкур аффикс редукция натижасида нейтрал оҳангга эга; 头 суффикси ёрдамида от туркумига оид бўлган сўзлар жами учта моделларга асосланган ҳолда ясалади, булар: [A от + 头 суффикси = от]; [A феъл + 头 суффикси = от]; [A сифат + 头 суффикси = от]; негизи сифат туркумига оид 头 суффикси орқали ясалган сўзларнинг барчаси

эризацияга учрайди. Эризация гапирувчи оҳангини юмшатиш учун қўлланади. Директив сўзлар ҳам 头 суффикси орқали ясалади.

家 суффикси асосан у ёки бу фаолият билан банд бўлган шахсларни билдирувчи отларини ясайди. Бу морфеманинг ўзаги этимологик жиҳатдан 家 «оила» маъносини билдирувчи морфемага боғлиқдир. Шу билан бирга мазкур суффикс одамларнинг фаолиятига нисбат бермасдан билдириладиган отларни ҳам ясайди. 家 суффикси ёрдамида от туркумига оид бўлган сўзлар жами 5та моделларга асосланган ҳолда ясалади, булар: 1) [А сифат + 家 суффикси = от], 2) [А феъл + 家 суффикси = от], 3) [А от + 家 «jia»суффикси = от], 4) [АВ (феъл-объектли модель асосида ҳосил бўлган мураккаб феъл) + 家 суффикси = от], 5) [АВ (субъект-предикат модели асосида ҳосил бўлган мураккаб от) + 家 суффикси = от].

者 суффикси 家 суффиксга ўхшаш бўлиб, ўзининг семантик-морфологик хусусияти бўйича от категориясига кирувчи лексик бирликларни ясайди; 者 суффикс ёрдамида асосан у ёки бу фаолият билан шуғулладиган шахсларни ҳамда маълум бир ижтимоий-сиёсий дунёқарашга эга шахсларни билдирадиган жуда кўп қатор отларни ясайди. Шу билан бирга 者 қўшимчаси ёрдамида шахсларнинг фаолиятига ва ижтимоий-сиёсий дунёқарашига нисбат берилмай билдирилган бир қанча сўзлар ҳам ясалади; 者 суффикси орқали жами учта модель асосида от сўз туркумига оид сўзлар ясалади: 1) [А (феъл) + 者 суффикси = от]; 2) [А (сифат) + 者 суффикси = от]; 3) [А (от) + 者 суффикси = от]. Шу билан бирга хитой тилидаги директивалар ҳам айнан шу суффикс орқали ҳам ясалади. Бунда улар нафақат одамни, балки бошқа маълум бир объектни ҳам билдириши мумкин. 家, 头 ва 者 суффиксларини сермахсул сўз ясовчи воситалар қаторига қўшиш лозим.

Махсулдор бўлмаган от ясовчи суффиксларнинг ўзига хос ясалиш моделлари мавжуд, булар қуйидагилардир:

Суффикс	Ҳозирги хитой тилида суффикслар ва улар иштирок этувчи моделлар
巴	[от+巴], [феъл+巴], [сифат + 巴]
霸	[от + 霸], [сифат + 霸]
城	[от + 城]
虫	[«сифат»+虫]
处	[сифат + 处], [феъл + 处]
蛋	[«сифат»+蛋]
点	[сифат + 点], [феъл + 点]
丁	[от + 丁], [сифат + 丁]
度	[сифат + 度]
法	[от + 法], [феъл + 法]

	[бир бўғинли от + 犯], АВ (субъект-предикатив модель асосида ҳосил бўлган от) + 犯]
犯	[АВ (феъл-объектли модель асосида ҳосил бўлган мураккаб от) + 犯], [кўмакчи + 犯], [бир бўғинли феъл + 犯]
分子	[от + 分子], [сифат + 分子],[феъл + 分子]
夫	[от+»夫»= от], [феъл + «夫”= от], [сифат+»夫»= от]
工	[от + 工], [АВ (феъл-объектли модель асосида ҳосил бўлган мураккаб от) + 工], [сифат + 工]
信	[от + 信]
观	[от + 论], [феъл + 论], [сифат + 论]
鬼	[от+鬼],[феъл+鬼], [сифат+鬼]
棍	[от + 棍], [сифат + 棍]
汉	[от + 汉], [сифат + 汉]
豪	[от + 豪]
化	[от + 化], [феъл + 化], [сифат + 化]
匠	[от + 匠]
界	[от + 界]
郎	[от+郎], [АВ (феъл-объектли модель асосида ҳосил бўлган мураккаб от) + 郎], [сифат + 郎]
佬	[от+佬]
率	[от +形], [феъл +形]
论	[от + 论], [феъл + 论]
么	[А(от)+么 + В], [А(феъл)+么 + В]
们	[А (бир бўғинли от) + 们 = А 们 (кўплик шаклидаги от)]
迷	[от +迷]
派	[от + 派], [феъл + 派]
痞	[от + 痞]
品	[«от»+ 品], [«феъл»+品]
器	[от + 器], [феъл + 器]
气	[от + 气], [феъл + 气], [сифат + 气], [равиш + 气]
亲	[от + 亲], [феъл + 亲]
热	[от +热], [феъл +热]
生	[от + 生], [феъл + 生], [сифат + 生]
士	[от +士], [феъл +士], [сифат +士]
师	[от + 师], [феъл + 师]
手	[от+手], [феъл+手], [сифат+手], [сон+手]
属	[от + 属], [феъл+ 属], [сифат + 属]

式	[от + 式], [сифат + 式]
素	[«от» + 素], [«фeъл»+ 素], [«равиш»+ 素]
务	[от + 务], [сифат + 务]
物	[«от»+ 物], [«фeъл»+ 物]
心	[от + 心], [«фeъл»+心],[«сифат»+心]
形	[от +形]
性	[«от»+ 性], [«фeъл»+ 性], [«сифат»+ 性], [«равиш» + 性], [«хисоб сўз»+ 性]
学	[фeъл + 学], [сифат + 学]
炎	[от + 炎], [фeъл + 炎]
业	[от + 业], [фeъл + 业]
医	[от +医], [фeъл +医]
意	[«от»+意], [«фeъл»+意], [«сифат»+意]
员	[от+员], [фeъл+员]
贼	[фeъл + 贼]
症	[от + 症], [фeъл + 症]
众	[от + 众], [фeъл + 众], [сифат + 众]
主	[от + 主], [фeъл + 主]
主义	[от + 主义]

Хитой тили олмошларида аффиксацияни таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларга келдик, хусусан: хитой тилида бошқа сўз туркумларига қараганда, сўз ясалиш имконияти олмошларда жуда чегараланган; хитой тили олмошлари жами 9 моделга таянган ҳолда ҳосил бўлади: 1) [А (кишилик олмоши бирлик шакли)+们], 2) [自己 + 们], 3) [А (кишилик олмоши)+的], 4) [这 + 里 = 这里 «бу ер»], 5) [这 + 儿 = 这儿 «бу ер»], 6) [那 + 里 = 那里 «у ер»], 7) [那 + 儿 = 那儿 «у ер»], 8) [哪 + 里 = 哪里], 9) [哪 + 儿 = 哪儿 «қаерда»].

